

## ПСИХОЛОГИЗМ ВА УНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИККА ОИД ТУШУНЧАЛАР СИСТЕМАСИДА ТУТГАН ЎРНИ



**Мавлон БОБОХОНОВ**

*филология фанлари номзоди, доцент (PhD)*

*Самарқанд давлат университети*

[grafmk2002@mail.ru](mailto:grafmk2002@mail.ru)

### Аннотация

Мақолада бадий психологизм тушунчасининг миллий ва хорижий адабиётшуносликдаги турли талқинлари таққосланган, унинг адабиёт илмига доир терминлар системасида тутган ўрни ёритилган.

**Калит сўзлар:** бадий психологизм, бадий асар олами, руҳий таҳлил, психологик манзара, руҳият тасвири.

## ПСИХОЛОГИЗМ И ЕГО МЕСТО В СИСТЕМЕ ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИХ ПОНЯТИЙ

**Мавлон БОБОХОНОВ**

*доцент, доктор PhD*

*Самаркандский государственный университет*

[grafmk2002@mail.ru](mailto:grafmk2002@mail.ru)

### Аннотация

В статье сопоставляются различные трактовки понятия художественного психологизма в национальном и зарубежном литературоведении, раскрывается его место в системе литературоведческих терминов.

**Ключевые слова:** художественный психологизм, мир художественного произведения, психологический анализ, психологическая картина, психологическое изображение.

## THE PLACE OF THE LITERARY PSYCHOLOGISM IN THE SYSTEM OF LITERARY CONCEPTS

**Mavlon BOBOHONOV**

*Associate Professor, PhD*

*Samarkand state University*

[grafmk2002@mail.ru](mailto:grafmk2002@mail.ru)

### Abstract

The article compares various interpretations of the concept of artistic psychologism in national and foreign literary criticism, reveals its place in the system of literary terms.

**Keywords:** artistic psychology, the world of a work of art, psychological analysis, psychological depiction, psychological image.

Адабиётшуносликда психологизмни тадқиқ этишнинг илк босқичларида асосий эътибор масаланинг назарий жиҳатларига эмас, балки психологизмнинг у ёки бу ёзувчи ижодидаги ўзига хослигига қартилар, психологизм дам-бадам

руҳий таҳлил ва бошқа унга яқин тушунчалар билан тенглаштириллар, психологизмга берилган таърифлар ҳам эмпирик характерда эди. Хусусан, Н. Г. Чернишевский ва Д. Н. Овсянко-Куликовский, “психологик таҳлил” терминини афзал кўрганлари ҳолда, тушунчага аниқ таъриф (Чернишевскийнинг психологик таҳлил ҳақидаги “ижодий истеъдодга куч бағишлайдиган фазилатларнинг энг муҳимларидан бири” деган мулоҳазасини ҳисобга олмаганда) бермаганлар (21, 29). А. П. Скафтимов ўзининг “Л. Толстой ижодида ғоялар ва шакллар” ва “Стендаль ва Толстой ижодидаги психологизм ҳақида” номли мақолаларида, гарчи “психологизм” терминини мақола номига олиб чиққан бўлса-да, у ёки бу ёзувчининг персонажлар психикасини тасвирлаши билан боғлиқ бадий услубининг ўзига хослигини таъкидлаш учун “психологик сурат” терминини ишлатишни маъқул кўради (13, 19). Шу тариқа, “психологик сурат” терминини Скафтимов “психологизм”нинг синоними сифатида қўллайди.

Психологизмнинг илк аниқ таърифлари XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб изоҳли луғатларда пайдо бўлди. Жумладан, психологизм Д. Н. Ушаков таҳрири остида чоп этилган “Рус тилининг изоҳли луғати”да санъатда “руҳий кечинмаларни акс эттиришга, чуқур тасвирлашга, мураккаб ва ўткир психологик таҳлилга мойиллик” (16, 675), С. И. Ожеговнинг “Рус тили луғати”да – адабиётда “психик, руҳий ҳолатларни теран тасвирлаш” (11, 620), В. И. Чернишев таҳрири остидаги “Замонавий рус адабий тили луғати”да – “руҳий ҳодисаларнинг теран тасвири, чуқур психологик таҳлил” сифатида (14, 1627) таърифланади. Келтирилган таърифлардан охиргисининг энг кўламдорлигини тан олиш лозим, чунки у психологизм соҳасига нафақат руҳий кечинмаларни, балки руҳият билан боғлиқ бошқа ҳодисаларни ҳам киритади. Кейинги йиллари нашрдан чиққан изоҳли луғатларда психологизмга берилган таърифларда ҳам айнан шу учинчи таъриф ҳал қилувчи рол ўйнайди. Чунончи, худди шундай мулоҳаза А. Мадвалиев таҳрири остидаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги “адабиёт ва санъатда инсоннинг психик, руҳий кечинмаларини теран тасвирлаш” (17, 318), А. В. Безрукова таҳрири остидаги “Адабий луғат” (10, 319) ҳамда Т. Ф. Ефремова таҳрири остидаги “Рус тилининг замонавий изоҳли луғати”даги (15, 1168) “руҳий ҳодисаларни теран тасвирлашга, чуқур психологик таҳлилга мойиллик” сингари психологизмга берилган таърифларнинг асосини ташкил қилади.

Таъкидлаш жоиз, саналган луғатлардаги таърифларнинг кўпчилигида психологизмни ёки психологик таҳлил билан айнан бир нарса (В. И. Чернишевдагидек) ёки психологик таҳлилга мойиллик (Д. Н. Ушаков ва Т. Ф. Евримовадагидек) деб талқин қилиш устунлик қилади. XX асрнинг 60-йиллари ва 70-йиллар бошлари адабиётшунослигида ҳам давом этган тушунчаларни тенглаштиришга бўлган бундай интилишлар С. Г. Бочаров (1), Б. И. Бурсов, (2), М. Б. Храпченко (20), Л. И. Гинзбург (4) тадқиқотларида ўз аксини топди. Худди шу олимлар томонидан психологизмнинг (психологик

тахлилнинг) бир қатор таърифлари таклиф этилди. Чунончи, С. Г. Бочаров “ижодкорни ўз-ўзидан таъсирлантирадиган, унинг мустақил ва махсус кизиқишини уйғотадиган ички дунё”ни психологик таҳлил объекти сифатида қайд этади (1, 90). Б. И. Бурсов психологизмни ёзувчи томонидан шахс муайян структурасининг аслидай қилиб тикланиши (2, 394) деб белгилайди ва психологик таҳлилни реалист-ёзувчи маҳоратининг оддий бир қирраси эмас, балки ўзак-мағзи деб атайди. Л. И. Гинзбург эса, психологизм деганда қалб ҳаётини унинг қарама-қаршиликлари ва теранликлари орқали тадқиқ қилишни тушунади (4, 300). Кўриниб турганидек, бу таърифлар изоҳли луғатларда таклиф қилинганлари билан бир хил ва уларнинг деярли барчаси асосан эмпирик характерда.

Психологизм муаммосини назарий жиҳатдан ўрганиш бўйича илк тадқиқотлар А. Иезуитовнинг 1970 йили эълон қилинган “Эстетика ва адабиётда психологизм муаммоси” деб номланган мақоласидан бошланди (7). Олим, адабиётшуносликда биринчи марта, психологизм тушунчаси юзасидан назарий-методологик таҳлил ўтказиб, “психологизм” ҳамда “психологик таҳлил” терминларини ажратади. А. Иезуитов “психологизм” тушунчасининг учта маъносини белгилайди:

1. психологизм “сўз санъатининг туғма белгиси, унинг узвий хоссаси, бадиийлик далолати”, “санъатнинг предмети” сифатида;

2. психологизм “бадиий ижод маҳсули, муаллиф, унинг персонажлари ва янада кенгроқ – жамият (синф, табақа, ижтимоий гуруҳ, замон ва ҳоказо) психологиясининг ифодаси ва акси” сифатида (шу маъносида, худди биринчисидадигдек, психологизм ҳар қандай чинакам санъат асарида мавжуд);

3. психологизм инсон руҳиятини “аниқ бир мақсадни кўзлаб мужассамлантириш ва фош этишнинг усул ҳамда шакллари”, онгли танланган эстетик тамойил сифатида.

Айни пайтда, инсон руҳиятини мужассамлантириш ва фош этиш усул ва шаклларининг ўзини Иезуитов “психологик таҳлил” термини билан изоҳлайди (7, 39–40). В. В. Компанеец ҳам 1974 йилда эълон қилинган мақоласида психологизм ва психологик таҳлилни бир-биридан ажратади. Олимнинг фикрича, психологизм “муаллиф психологияси акс этишининг натижаси – сўз санъатининг туғма аломати, бадиий адабиёт табиатидан келиб чиқадиган хусусияти”, психологик таҳлил эса – ўзи йўналган объект мавжудлигини тақозо этадиган инсон руҳиятини очиш воситалари мажмуидан иборат “онгли эстетик тамойил”, “бадиий билишнинг энг муҳим воситаларидан бири”дир (9, 46–53). Бошқача айтганда, Компанеец психологизм тушунчасига Иезуитов таклиф этган маъноларнинг биринчи ва иккинчисини юклаб қўя қолади.

Психологизм ва унга яқин тушунчаларни ажратишга бўлган уринишлар ўтган асрнинг 70-йиллари охирида украин адабиётшунослари М. П. Кодак ва В. В. Фашенко томонидан давом эттирилди. Хусусан, М. П. Кодак

“руҳийлашганлик”, “бадий психологизм”, “психологик таҳлил” терминларини ўзаро ажратишни таклиф қилди. Унинг фикрича, руҳийлашганлик “сўз санъатининг туғма аломати”, унинг инсон психикасини ифодаловчи табиий хусусияти (8, 67–), бадий психологизм – эстетика томонидан эълон қилинган ёки (муаллиф, мактаб, йўналиш) ижодий амалиётда ўша даврга хос эстетик орзулар тарзида қад кўтарган инсон ҳақидаги ижтимоий-руҳий тасаввурлар тизими, психологик таҳлил эса – бадий ижодда инсоннинг руҳий-ижтимоий моҳиятини унга тарихан мос келадиган тарзда образли-манتيқий англаш усулидир (8, 6–7).

Шу тариқа, Иезуитов томонидан ажратилган психологизмнинг илк икки маъносини Кодак “руҳийлашганлик” термини билан белгилашни таклиф этади. Шу билан бирга, “бадий психологизм” ва “психологик таҳлил” терминлари, унинг фикрича, Иезуитов қайд этган “эстетик тамойил сифатидаги психологизм” билан тақрибан мос келади. Айни пайтда, Кодакнинг таъкидлашича, психологизм, умуман олганда таҳлилга таянса-да, синтез учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очади (8, 7).

В. В. Фашенко тадқиқотларида бу борада бироз бошқача ёндашув кўзга ташланади. Биринчидан, у психологизмни предмети инсонлар ижтимоий гуруҳларнинг руҳий жараёнлари, ҳолатлари, хусусият ва ҳаракатлари, кайфият ва тутимларининг ички бирлигини акс эттириш бўлган “бадий ижоднинг универсал, туғма белгиси”, иккинчидан, “инсон психикасини адабиётда тасвирлаш ва ифодалаш шакл ҳамда усулларининг бадий тизими” сифатида кўради (18, 49). Психологизмни иккинчи маъносида белгилаш учун Фашенко “психологик таҳлил” терминидан фойдаланишни таклиф қилади. Бироқ ҳар қайси конкрет ҳолатда адабиётшунос тушунчани ўзича аниқлаштириб олишини назарда тутиб, бунинг принципиал аҳамият касб этмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари, Фашенко иккала тушунчанинг ўзаро чамбарчаслигини қаттиқ туриб маъқуллайди.

Иезуитов, Кодак ва Фашенко “психологик таҳлил” деб атаган нарса ҳозирги рус адабиётшуносларидан бири А. Б. Есин тадқиқотларида психологизм тарзида келади. Шунингдек, олим “психологик таҳлил” термини сифатида психологизм усулларидан бирини тушунади. Психологизм тушунчасининг ўзини Есин “бадий адабиёт воситалари кўмагида қаҳрамон ички оламини: унинг фикрлари, кечинмалари, истаклари, эмоционал ҳолатлари ва бошқаларни тасвирлаш, тасвирлаганда ҳам тўла ва теранлиги билан ажралиб турадиган ҳолда кўрсатиш” (5, 83), шунингдек, “қаҳрамонлар ички оламини тўла, чуқур ва батафсил очишга қаратилган восита ва усуллар тизими, услубий яхлитлик” (6, 73) сифатида таърифлайди. Бундан ташқари, Есиннинг таъкидлашича, психологизм бадий шаклнинг тасвирланган олам деган жиҳатининг алоҳида сифатини ўзида намоён этади ва асарнинг услубий доминантаси бўла олади (5, 179).

Умуман олганда, адабиётшуносликда психологизм муаммоси бўйича бир-бирига қарама-қарши термин ва тушунчаларнинг бутун бошли уюми (“психологизм”, “психологик таҳлил”, “психологик сурат”, “психологик тасвир”, “руҳийлашув”) тўпланиб қолди. Шунингдек, биргина терминга турли тадқиқотчилар томонидан кўпинча ҳар хил маъно юкланган ҳолатлар ҳам, ўша биргина маънонинг ўзини турли терминлар билан қайд этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Айни пайтда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, адабиётшуносларнинг аксарияти психологизм деганда (адабий ёки бадиий деб номлашларидан қатъи назар) “бадиий адабиёт воситалари кўмагида қаҳрамон ички оламини батафсил ва теран тасвирлаш”ни тушунадилар. А. Б. Есин, Г. Н. Поспелов, Л. Я. Гинзбург, С. Г. Бочаров тадқиқотларида (ҳамда ўзбек, рус, украин тилларининг етакчи изоҳли луғатларида) ушбу терминни худди шундай талқин қилиш тавсия этилганки, бошқа тадқиқотчилар ҳам бу борада ортиқча баҳс-мунозарага киришганлари йўқ. Юқоридаги таърифдан кўриниб турганидек, психологизм батафсил ва теран психологик тасвирдан бошқа нарса эмас экан, айрим тадқиқотчилар томонидан ишлатиладиган “психологик тасвир” бирикмаси, шубҳасиз, “психологизм” термини билан синонимдир.

Бизнингча, А. П. Скафтимов қўллаган “психологик сурат” термини ҳам жуда муваффақиятли чиққан. Унинг тадқиқотларидан келиб чиқадиган бўлсак, психологик сурат деганда олим у ёки бу ёзувчи психологизмининг ўзига хослигини тушунади. Шунингдек, бадиий асарда персонаж ички оламини тасвирлаш ҳақида гапирар эканмиз, А. Иезуитов томонидан илгари сурилган, кейинчалик В. В. Компанеец ҳамда М. П. Кодаклар томонидан маъқулланган, психологизм алоҳида олинган асарда нафақат ёзувчининг муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилган онгли фаолиятининг натижаси, балки муаллифнинг онгли уринишларидан ташқари, шахсий психикасининг акси бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қонидани ҳам дастлабкиларидан бири сифатида қабул қилсак бўлади. Буни З. Фрейднинг ҳар қандай бадиий асар яратилишида ёзувчи шуури билан ғайришуурийлигининг муштарак ишлаши ҳақидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди (19).

Психологизм тушунчасида, юқоридаги таърифдан ҳам кўриниб турганидек, бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки жиҳат: қаҳрамон ички олами (объект сифатида<sup>19</sup>) ва бадиий адабиёт воситалари (психологизм бадиий воситалари сифатида) уйғунлашади. Модомики, қаҳрамон “ички олами” – бу, албатта, унинг психикасидан бошқа нарса эмас экан<sup>20</sup>, бадиий психологизмни бир томондан психология, бошқа томондан адабиётшунослик билан алоқадор фанлараро тушунча деб талқин қилишимиз лозим. Шу муносабат билан

19 Психологизм объекти сифатида қаҳрамон ички оламини илк марта С. Г. Бочаров тилга олган эди. [1, 90].

20 Шу ўринда биз ўзимизга А. Иезуитовнинг соғлом ақл нуқтаи назаридан изоҳлаб бўлмайдиган “аёнки, инсон ички олами унинг психологияси билан бир нарса эмас” [8, 40] деган даъвосига қўшилмасликни раво кўраимиз.



психологизмни тадқиқ қилишга ҳар икки соҳанинг ҳам тушунча ва концепцияларини татбиқ этиш зарурат ҳисобланади.

Психологизмнинг адабиётшунослик тушунча ва категориялари тизимидаги ўрнини аниқлар эканмиз, аввало, психологизмнинг персонажлар ички оламини тасвирлаш эканлигини, ўз навбатида, персонажлар образларини адабиётшуносликда бадиий шаклнинг предметли тасвирийлик (3, 181) (ёки А. Б. Есин айтганидек, тасвирланган олам (5, 86)) жиҳатига тегишли деб ҳисоблаш қабул қилинганлигини тан олиш керак. Шу маънода, *психологизм бадиий шаклнинг алоҳида сифати* экан. Шунинг билан бирга айрим асарларда (психологик романларда) психологизм *услубий доминанта* бўлиши мумкин<sup>21</sup>. Бундай ҳолатда нафақат персонажлар образлари, балки бадиий шаклнинг бошқа барча унсурлари (тасвирланган олам, бадиий нутқ, композиция) эстетик бирлик – услубни ташкил этганлари ҳолда психологизмга бўйсундилар<sup>22</sup> (5). Шу тариқа, психологизм бадиий системаси қайсики асарларда у услубий доминанта бўлса, бадиий шакл бу уч жиҳатнинг барчасини қамраб олиши ва турли-туман бадиий воситалару усуллар билан тақдим этилиши мумкин экан. Шунинг унутмаслик керакки, бадиий шаклнинг алоҳида сифати бўлса-да, психологизм бадиий асар мазмунидан айро эмас (7, 52).

Адабиётшунос Ҳотам Умуровнинг фикрича, ҳозирга қадар ўзбек насрида қахрамон психологиясини очишнинг уч тури яққол кўзга ташланади. Психологизмнинг динамик, аналитик, синтетик принциплари ҳамма реалист ёзувчилар учун умумийдир. Адабиёт тажрибаси шунини кўрсатадики, ҳар бир ёзувчи ўз ижодида (ёки муайян романда) психологизмнинг турли шаклларида кенг фойдаланади. Бироқ бу формалардан бирортаси етакчилик қилиши табиийдир (17, 52–55). Г. Н. Поспелов таъкидлаганидек, “бадиий асар шакли ва мазмуни қарама-қаршиликлар бирлигидан иборатки, айти пайтда, бу яхлитликда шаклга сингиб кетиб, уни жонлантирувчи мазмун ҳал қилувчи аҳамият касб этади” (3, 429–430). Ушбу фикрни бадиий асар услубий доминанталарига нисбатан қўллар экан, А. Б. Есин услубий доминанталар ҳаммиса асарнинг мазмуний доминанталари билан шартланган бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Хусусан, психологизм услубий доминантаси, А. Б. Есин томонидан Ф. М. Достоевский ва Л. Н. Толстой асарлари мисолида кўрсатиб ўтилганидек, ғоявий-маънавий муаммо сифатида келаётган мазмуний доминанта билан алоқадор (5, 199). Шунинг учун ҳам психологизм у ёки бу асарнинг услубий доминантаси сифатида ўрганилар экан, асарнинг мазмуний доминанталарини ҳам назардан қочирмаслик керак бўлади.

21 Тасвирланган олам соҳасида А. Б. Есин фарқлаш мумкин бўлган учта услубий доминантани ажратиб кўрсатади: қайси асарларда бу– психологизм, яна қайси бирида – сюжетлилик, қайсидир бирида – баёнчилик [5, 179].

22 Шу муносабат билан А. Б. Есин психологизмни “услубий бирлик (яхлитлик)” деб таърифлайди [6, 73].

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Бочаров С. Г. Психологическое раскрытие характера в русской классической литературе и творчество Горького // Социалистический реализм и классическое наследие (проблема характера). – М.: Издательство художественной литературы, 1960. – С. 89–211.
2. Бурсов Б. И. Лев Толстой и русский роман. – М.: Издательство АН СССР, 1963. – 152 с.
3. Введение в литературоведение: учеб. для филол. спец. ун-тов; под редакцией Г. Н. Поспелова. – М.: Высшая школа, 1988. – 528 с.
4. Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. – Л.: Художественная литература, 1977. – 448 с.
5. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения: учебное пособие. – М.: Флинта, 2003. – 248 с.
6. Есин А.Б. Психологизм // Русская словесность. – 1966. – №1. – С. 73–80.
7. Иезуитов А. Н. Проблемы психологизма в эстетике и литературе. // Проблемы психологизма в советской литературе. – Л.: 1970. – С. 39–57.
8. Кодак М. П. Психологизм соціальної прози. – К.: Наукова думка, 1980. – 162 с.
9. Компанец В. В. Художественный психологизм как проблема исследования // Русская литература, 1974. – №1. – С. 46–60.
10. Литературный словарь; ред-сост. А. В. Безрукова. – М.: Литературная учеба, 2007. – 320 с.
11. Ожегов С. И. Словарь русского языка. – М.: Оникс, 2006. – 972 с.
12. Скафтымов А. П. Идеи и формы в творчестве Толстого // Нравственные искания русских писателей: статьи и исследования о русских классиках; сост. Е. И. Покусаева. – М.: Художественная литература, 1972. – С. 134–164.
13. Скафтымов А. П. О психологизме в творчестве Стендаля и Толстого // Нравственные искания русских писателей: статьи и исследования о русских классиках; сост. Е. И. Покусаева. – М.: Художественная литература, 1972. – С. 165–181.
14. Словарь современного русского литературного языка: в 17 т.; гл. ред. В. И. Чернышев. – М.: Издательство АН СССР, 1960. Т 11. – 1842 с.
15. Современный толковый словарь русского языка: в 3 томах.; ред. Т. Ф. Ефремова. – М.: АСТ, 2006. – 1168 с.
16. Толковый словарь русского языка: в 3 томах.; ред. Д. Н. Ушаков. – М.: Вече, 2001. – 688 с.
17. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Т.: Шарк, 2002. – 252 б.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев тахрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 2-жилд.
19. Фащенко В. В. У глибинах людського буття. Етюди про психологізм літератури. – К.: Дніпро, 1981. – 279 с.
20. Фрейд З. Поэт и фантазия // Вопросы литературы. – 1990. – №8. – С. 160–166.
21. Храпченко М. Б. Художественное творчество, действительность, человек: Монография. – М.: Советский писатель, 1976. – 368 с.
22. Чернышевский Н. Г. Детство и отрочество. Сочинения графа Л.Н. Толстого // Л. Н. Толстой в русской критике: сб. ст. – М.: Гос. изд-во худ. лит., 1952. – С. 91–105.